



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

3 (89) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОИВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВА
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

3 (89)

2026
март

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

УЎҚ 628.1(575.12):614.77

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ХЎЖАЛИК-ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ГИГИЕНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Азизова Феруза Лютпиллаевна <https://orcid.org/0000-0001-6360-503X> e-mail: f.azizova@tma.uz

²Ниязметов Мурадбек Атабаевич <https://orcid.org/0009-0002-8327-819X>
e-mail: muradbek9547@gmail.com

¹Эрматов Низом Жумакулович <https://orcid.org/0000-0002-9964-5962>
e-mail: nizom.ermatov1970@gmail.com

¹Тошкент давлат тиббиёт университети, 100109 Тошкент, Ўзбекистон Фаробий кўчаси 2,
Тел:+998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

²Урганч технология университети RANCH, 220100 Урганч, Хонқа кўчаси 9, тел:
+998622277772, e-mail: university@utu-ranch.uz

✓ Резюме

Мақолада Хоразм вилоятида хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимининг долзарб муаммолари ҳамда хизмат узлуксизлигини таъминлаш омиллари Урганч шаҳри, Хива шаҳри, Гурлан ва Ҳазорасп туманлари мисолида ўрганилди. Тадқиқотда статистик таҳлил ва контент таҳлил усуллари қўлланиб, норматив-ҳуқуқий асослар, тариф сиёсати ва авария ҳолатларига тезкор жавоб амалиёти баҳоланди. Хусусан, Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 20.05.2025 йилдаги VII-9-74-12-0-К/25-сон қарори билан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифлар тасдиқлангани, қарор 09.06.2025 санасидан кучга кириши, 2024 йил 30.05.2024 йилдаги қарор ўз кучини йўқотган деб топилгани қайд этилди. Ахборот манбаларида 2025 йилдан аҳоли учун ичимлик суви 1 м³ учун 4500 сўм (ҚҚСсиз) белгилангани келтирилади. Контент таҳлил “XORAZM SUV TA’MINOTI” ахборот хизмати расмий каналларидаги хабарлар асосида амалга оширилиб, Урганч, Хива ва Ҳазораспда сув исрофи ва қувур/иншоот носозликлари ҳолатлари, ишчи гуруҳлар ва авария-тиклаш бригадалари орқали қисқа вақтда бартараф этиш амалиёти кўрсатилди. Миллий даражада 2025 йилда дебитор қарздорликнинг 49%га қисқариши, ҳисоблагичлар қамровининг 86%га етиши каби натижалар тармоқ ислохотларининг молиявий ва бошқарув аспектларини таҳлил қилишга имкон берди. Хулосада инфратузилмани рискка асосланган модернизация қилиш, йўқотишлар ва исрофни камайтириш, ҳисобга олиш ва диспетчерликни рақамлаштириш ҳамда тариф сиёсатида ижтимоий мувозанатни таъминлаш бўйича таклифлар берилди.

Калит сўзлар: ичимлик суви, марказлашган таъминот, авария-тиклаш хизмати, тариф, дебитор қарздорлик, ҳисоблагич, контент таҳлил, Хоразм.

SPECIFIC HYGIENIC CHARACTERISTICS OF HOUSEHOLD AND DRINKING WATER SUPPLY IN KHOREZM REGION

¹Azizova Feryza Lyutpillaevna <https://orcid.org/0000-0001-6360-503X> e-mail: f.azizova@tma.uz

²Niyazmetov Muradbek Atabaevich <https://orcid.org/0009-0002-8327-819X>
e-mail: muradbek9547@gmail.com

¹Ermатов Nizom Jumakulovich <https://orcid.org/0000-0002-9964-5962>
e-mail: nizom.ermatov1970@gmail.com

¹ Tashkent State Medical University, 100109 Tashkent, Uzbekistan, Farobiy Street 2, Phone:
+998781507825, E-mail: info@tdmu.uz

² Urgench Technology University RANCH, 9 Khonqa Street, Urgench, 220100,
Phone: +998622277772, E-mail: university@utu-ranch.uz

✓ **Resume**

The article examines current issues in the drinking water supply system and factors ensuring service continuity in the Khorezm region, using the examples of Urgench and Khiva cities, as well as Gurlan and Khazarasp districts. The study employs statistical and content analysis methods to evaluate the regulatory framework, tariff policy, and emergency response practices. In particular, it is noted that, according to Decision No. VII-9-74-12-0-K/25 of the Khorezm Regional Council of People's Deputies dated May 20, 2025, tariffs for drinking water supply and wastewater services were approved and came into force on June 9, 2025, while the previous decision dated May 30, 2024 was declared invalid. According to information sources, starting from 2025, the tariff for 1 m³ of drinking water for the population is set at 4,500 UZS (excluding VAT). The content analysis was conducted based on reports from the official information channels of "Khorezm Suv Ta'minoti." It demonstrated that in Urgench, Khiva, and Khazarasp, cases of water loss and malfunctions in pipelines and facilities are addressed promptly through the coordinated work of operational teams and emergency repair brigades. At the national level, in 2025, results such as a 49% reduction in accounts receivable and an increase in meter coverage to 86% made it possible to analyze the financial and management aspects of sector reforms. In conclusion, proposals were developed to modernize infrastructure based on risk assessment, reduce losses and waste, improve accounting and dispatching through digitalization, and ensure social balance in tariff policy.

Keywords: drinking water, centralized supply, emergency repair services, tariff, accounts receivable, metering, content analysis, Khorezm.

СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ГИГИЕНИЧЕСКИ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ДОМАШНЕГО И ПИТЬЕВОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

¹Азизова Феруза Лютпиллаевна <https://orcid.org/0000-0001-6360-503X> e-mail: f.azizova@tma.uz

²Ниязметов Мурадбек Атабаевич <https://orcid.org/0009-0002-8327-819X>
e-mail: muradbek9547@gmail.com

¹Эрматов Низом Джумакулович <https://orcid.org/0000-0002-9964-5962>
e-mail: nizom.ermatov1970@gmail.com

¹Ташкентский государственный медицинский университет, 100109 Ташкент, Узбекистан, улица Фаробий 2, Телефон: +998781507825, e-mail: info@tdmu.uz

²Ургенчский технологический университет РАНЧ, ул. Хонка, 9, Ургенч, 220100, Телефон: +998622277772, e-mail: university@utu-ranch.uz

✓ **Резюме**

В статье рассматриваются актуальные проблемы системы водоснабжения питьевой водой и факторы, обеспечивающие непрерывность обслуживания в Хорезмской области, на примерах городов Ургенч и Хива, а также Гурланского и Хазараспского районов. В исследовании используются методы статистического и контент-анализа для оценки нормативно-правовой базы, тарифной политики и практики реагирования на чрезвычайные ситуации. В частности, отмечается, что согласно Постановлению № VII-9-74-12-0-K/25 Хорезмского областного совета народных депутатов от 20 мая 2025 года тарифы на водоснабжение и водоотведение были утверждены и вступили в силу 9 июня 2025 года, в то время как предыдущее постановление от 30 мая 2024 года было признано недействительным. По данным источников информации, начиная с 2025 года, тариф на 1 м³ питьевой воды для населения установлен в размере 4500 сумов (без НДС). Контент-анализ проводился на основе сообщений официальных информационных каналов «Хорезм Сув Таминоти». Он показал, что в Ургенче, Хиве и Хазараспе случаи утечки воды и неисправности трубопроводов и сооружений устраняются оперативно благодаря скоординированной работе оперативных групп и аварийно-ремонтных бригад. На национальном уровне в 2025 году такие результаты, как сокращение дебиторской задолженности на 49% и увеличение охвата счетчиками до 86%, позволили проанализировать финансовые и управленческие аспекты реформ сектора. В заключение были разработаны предложения по модернизации инфраструктуры на основе оценки рисков, сокращению потерь и отходов, улучшению учета и диспетчеризации за счет цифровизации, а также обеспечению социального баланса в тарифной политике.

Ключевые слова: питьевая вода, централизованное водоснабжение, аварийно-ремонтные услуги, тариф, дебиторская задолженность, учет, контент-анализ, Хорезм

Мавзунинг долзарблиги

Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари аҳоли саломатлиги, санитария хавфсизлиги ва ҳаёт сифати учун ҳал қилувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Тармоқларнинг техник ҳолати, насос-иншоотлар ишончилиги, аварияларга тезкор жавоб, ҳисобга олиш тизими ва тариф сиёсати ўзаро боғлиқ бўлиб, бирининг заифлиги бошқасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда республика миқёсида ичимлик ва оқова сув инфратузилмасини янгилаш бўйича катта режалар белгилаб келинмоқда: 2022–2026 йилларда 2875 та ичимлик ва 283 та оқова сув иншоотини, 33,7 минг км тармоқларни куриш режалаштирилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу каби дастурлар ҳудудларда қамровни ошириш билан бирга, хизмат узлуксизлиги ва сифатига қаратилган техник-ташкилий ечимларни ҳам талаб қилади. Хоразм вилоятида хизматни бошқаришда тариф механизми муҳим ўрин тутаяди. 2025 йилда Хоразм вилоятида ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифларни белгилаш тўғрисида Кенгаш қарори қабул қилинган, қарор 09.06.2025 санасидан кучга кириши қайд этилган. Оммавий ахборот манбаларида аҳоли учун 1 м³ ичимлик сув нархи 4500 сўм этиб белгилангани келтирилади. Тариф ўзгариши молиявий барқарорликни ошириши мумкин, бироқ у хизмат сифати, ҳисобдорлик ва ижтимоий адолат билан уйғунлашган ҳолдагина ижобий натижа беради. Шу муносабат билан ушбу мақолада Урганч шаҳри, Хива шаҳри, Гурлан ва Ҳазорасп туманлари кесимида муаммолар ва ечимлар ахборот манбалари орқали таҳлил қилинди.


Тадқиқот мақсади Хоразм вилоятида (Урганч, Хива, Гурлан, Ҳазорасп) хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими барқарорлигига таъсир этувчи омилларни тариф сиёсати ва авария ҳолатларига жавоб амалиёти нуқтаи назаридан баҳолаш.

Тадқиқот вазифалари:

1. 2024–2025 йилларда тарифларни белгилаш бўйича қарорлар мазмуни ва аҳамиятини таҳлил қилиш;
2. 2025 йилда амалдаги тарифлар ҳақидаги очиқ манбалар маълумотларини тизимлаштириш;


Ҳудудлар бўйича муаммолар таҳлили

4 та ҳудуд кесимида асосий муаммоларнинг шартли баллари (1–10 балл тизимида).




Тариф ўзгариши динамикаси

2022–2025 йилларда 1 м³ ичимлик сув нархининг ўсиши (сўмда).



Хизмат қамрови даражаси

Аҳолининг ичимлик суви ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик фоизи.



1-расм. Хоразм вилояти бўйича ҳудудлар бўйича сув таъминоти муаммолар тарифи, хизмат қамрови даражаси ва тариф ўзгариш динамикаси.

3. Расмий ахборот каналлари хабарлари асосида авария/исроф ҳолатларини контент таҳлил қилиш;
4. Миллий даражада молиявий интизом (қарздорлик) ва ҳисобга олиш (ҳисоблагич қамрови) кўрсаткичларини муҳокамага киритиш;
5. Амалий таклифлар пакетини ишлаб чиқиш.

Материал ва методлар

Статистик таҳлил: тадқиқотда статистик таҳлил очик манбаларда келтирилган расмий/оммавий маълумотларни тизимлаштиришга қаратилди.

Жумладан:

1. Тариф қийматлари ва кучга кириш санаси (2025 йил июнь охи атропофи);
 2. Миллий даражада 2025 йилда дебитор қарздорликнинг 49%га қисқариши, жами қарздорлик 462,9 млрд сўм экани, ҳисоблагичлар қамрови 86%га етгани ва тўлов интизомига оид кўрсаткичлар;
 3. Республикада 2022–2026 йиллар учун қурилиш режалари (тармоқ ва иншоотлар сони/узунлиги).
- Бу кўрсаткичлар ҳудудий кейслар билан биргаликда хизмат барқарорлиги ва бошқарув самарадорлигини таҳлил қилишга хизмат қилди.

Контент таҳлил: контент таҳлил учун асосий манба сифатида “XORAZM SUV TA’MINOTI” ахборот хизмати каналларидаги расмий муносабатлар ва хабарлар олинди. Матнлар қуйидаги кодлар бўйича гуруҳланди: муаммо тури: қувур носозлиги/ёрилиши; қудуқ/иншоотда носозлик; сув исрофи; 1.жавоб чораси: ишчи гуруҳ чиқиши; махсус техника жалб қилиш; авария-тиклаш бригадаси; “қисқа вақтда” тиклаш; 2.натижа: таъминот тикланди / жараёнда.

Натижа ва таҳлиллар

Тариф сиёсатининг институционал асослари (2024–2025). Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари учун тарифларни белгилаш масаласи маҳаллий даражада Кенгаш қарори орқали тартибга солинган. 20.05.2025 йилдаги VII-9-74-12-0-К/25-сон қарорга кўра, “Хоразм сув таъминоти” МЧЖ томонидан таклиф этилган тарифлар иловага мувофиқ тасдиқланган, 2024 йил 30 майдаги қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган, қарор расман эълон қилинган кундан 15 кун ўтгач кучга кириши белгиланган.

Очик ахборот материалларида 2025 йилдан аҳоли учун 1 м³ ичимлик сув нархи 4500 сўм (ҚҚСсиз) этиб кўрсатилган. Шунингдек, бюджет ташкилотлари учун 1 м³ — 10 400 сўм экани ҳақида маълумот келтирилади. Бу тарифлар хизматни молиявий қоплаш ва инфратузилмани сақлаш/янгилаш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Урганч – Хива - Ҳазорасп ҳудудларида авария ва “сув исрофи” ҳолатларининг контент таҳлили. Расмий каналлардаги хабарлардан кўринадики, вилоятда ижтимоий тармоқларда тарқалган “сув исрофи” ва носозликлар ҳақидаги хабарларга ишчи гуруҳ чиқариш амалиёти қўлланилади

Урганч: қувурда носозлик аниқланиб, авария-тиклаш бригадалари томонидан қисқа вақтда тузатиш ва таъминот тиклангани қайд этилади.

Хива: ичимлик сув қудуғида сув олгич қисмидаги носозлик туфайли сув чиқиши аниқланиб, носозлик бартараф этилгани ва таъминот тиклангани билдирилган.

Ҳазорасп: ичимлик сув қувури ёрилиши ортидан исроф бўлаётгани ҳақидаги хабар текширилиб, носозлик бартараф этилгани ва таъминот йўлга қўйилгани келтирилган. Ушбу кейслар хизмат кўрсатиш тизимида тезкор реакция механизмлари борлигини кўрсатади. Шу билан бирга, “исроф” ва “қувур ёрилиши” каби ҳолатларнинг мавжудлиги тармоқда профилактик таъмир, назорат ва мониторингни кучайтириш зарурлигини аниқлатади.

Молиявий интизом ва ҳисобга олиш: миллий статистика билан таққосий муҳокама. Миллий даражадаги очиқ маълумотларда 2025 йилда ичимлик ва оқова сув хизматларидан аҳолининг қарздорлиги 49%га қисқаргани, 2026 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик 462,9 млрд сўм экани келтирилган. Шу манбада ҳисоблагичлар қамрови 79%дан 86%га ошгани, онлайн тўловлар улуши 100%га етгани ҳақида ҳам маълумот бор. Бу фактлар қуйидаги хулосаларни илгари суради: 1.тариф ва тўлов интизومي масаласи хизмат барқарорлигига бевосита таъсир қилади; 2.ҳисоблагичлашнинг кенгайиши ресурсдан оқилона фойдаланиш ва тушумларни оширишга хизмат қилади; 2.қарздорликнинг сақланиб қолиши (462,9 млрд сўм) тизимнинг молиявий рискларини сақлаб туришини кўрсатади.

Муҳокама: Хоразм вилояти мисолида тарифларнинг маҳаллий қарорлар орқали белгилаб борилиши (2024 қарорининг 2025 қарор билан алмашгани) тизимни ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан янгилашга уриниш сифатида баҳоланади. Тариф даражаси ҳақидаги очиқ маълумотлар эса молиявий қоплаш механизмини кучайтириш ниятини англатади.

Контент таҳлилдаги авария ва исроф кейслари (Урганч, Хива, Ҳазорасп) хизматда тезкор баргараф этиш амалиёти борлигини кўрсатади, бироқ тармоқлар эскириши, локал нуқсонлар ёки мониторинг камчилиги каби омиллар такрорланувчи муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, “реактив таъмир”дан ташқари профилактик ва рискка асосланган бошқарув моделларини кучайтириш талаб этилади.

Амалий таклифлар:

1. Профилактик мониторинг ва “исроф”ни камайтириш: авариялар ва исроф ҳолатлари кўп учрайдиган участкалар реестри; Босимни бошқариш ва тезкор аниқлаш (оператив диагностика) механизмлари.

2. Авария-тиклаш хизмати самарадорлигини ўлчаш: “мурожаат — чиқиш — баргараф этиш” вақти бўйича КРІ; Диспетчерлик мурожаатларини ягона электрон журналда юритиш (худудлар кесимида).

3. Тариф сиёсатида шаффофлик ва ижтимоий мувозанат: 2025 тарифларининг аҳолига таъсирини тушунтириш (харжатлар таркиби, хизмат сифати индикаторлари); Кам таъминланганлар учун мақсадли енгиллик/субсидия механизмларини уйғунлаштириш (таклиф сифатида).

4. Тўлов интизومي ва ҳисобга олишни кучайтириш: ҳисоблагичлаш қамрови ва онлайн тўловлар натижаси миллий даражада ижобий тренд бергани учун, уни худудларда ҳам тизимли кўллаш.

Хулоса

Хоразм вилоятида ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифлари 2025 йилда маҳаллий Кенгаш қарори асосида қайта тасдиқлангани ва 2024 қарор ўрнини босгани норматив-ҳуқуқий асоснинг янгиланганини кўрсатади. Очиқ ахборотларда аҳоли учун 1 м³ ичимлик сув тарифининг 4500 сўм этиб белгилангани келтирилади. Расмий ахборот каналлари материалларига кўра, Урганч, Хива ва Ҳазораспда сув исрофи ва қувур/қудуқ носозликлари бўйича ишчи гуруҳлар чиқиб, носозликлар қисқа вақтда баргараф этилгани таъкидланган. Бироқ бундай ҳолатларнинг мавжудлиги профилактик таъмир, мониторинг ва тизимли модернизацияга эҳтиёж сақланаётганини кўрсатади. Миллий даражада қарздорликнинг 49%га қисқариши ва ҳисоблагич қамровининг 86%га етиши каби кўрсаткичлар молиявий интизом ва ҳисобга олиш механизмларининг аҳамиятини тасдиқлайди. Шу асосда Хоразм вилоятида хизмат барқарорлигини ошириш учун рискка асосланган реконструкция, авария хизматини рақамлаштириш, ҳисобга олишни кучайтириш ва тариф сиёсатини ижтимоий ҳимоя билан уйғунлаштириш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХТИ:

1. Абдулхаков И., Эрматов Н. Tibbiyotda angi kun. // Tibbiyotda angi kun. 2020;3(31):246–255.
2. Алматов Б.И., Эрматов Н.Ж. Анализ эффективности водопользования водохранилищ на основании изучения их микробного и химического состава. European Science. 2018;(8):35–37.
3. Сабиров Д.Р., Эрматов Н.Ж., Рузиев К.И. Радиоволны диапазона средней частоты для лечения онкологических заболеваний на ранних стадиях (обзор литературы). Биомедицина ва амалиёт журнали. 2020; С. 692.
4. Эрматов Н.Ж., и др. Метафилактика кальций-оксалатного уролитиаза. 2020.
5. Эрматов Н.Ж., Гайбуллаев А.А., Кариев С.С., Дадабаев А.К., Бердибаев Т.М., Кучкаров А.К. Метафилактика кальций-оксалатного уролитиаза. 2020.
6. Xorazm suv ta'minoti axborot xizmati. Urganchda quvur nosozligi va suv isrofi bo'yicha rasmiy munosabat [Internet].
7. Balliyev A.I., Chembarisov E.I., Balliyeva R., et al. Janubiy Orolbo'yi kichik lokal suv havzalarining zamonaviy minerallashuvi va kimyoviy tarkibi. 2024.
8. Chembarisov E.I., Balliyev A.I. Qoraqalpog'iston Respublikasi suv oqimlari va suv havzalarining ifloslanishi hamda uni kamaytirish bo'yicha amaliy tavsiyalar. 2024.
9. Duschonov B.A., Abdullayev R.B., Mustafayev X.M., et al. Orol dengizi: ekologiya va sog'liq muammolari. Toshkent; 2022.
10. Edberg S.C., Leclerc H., Struijk C.B. Clostridium perfringens and coliphages as indicators of fecal contamination. Microbiol Rev. 2001;65(2):266–279. doi:10.1128/MMBR.65.2.266-279.2001
11. World Health Organization, UNICEF. Diarrhoea: why children are still dying and what can be done. Geneva: WHO; 2009.
12. World Health Organization. Diarrhoeal disease [Internet]. 2024 Mar 7.
13. World Health Organization. Guidelines for drinking-water quality. 4th ed. Geneva: WHO Press; 2022.
14. Nuraliev N.A. Amudaryo daryosi suvining mikrobiologik va gigiyenik xavfsizligi. 2023. p. 18, 21.
15. Nuraliev N.A. Suv omborlari: suvning kimyoviy tarkibi xususiyatlari, mikrobiologik va gidrobiologik jihatlar. 2022.
16. СанПиН 2.1.4.1074-01. Питьевая вода. Гигиенические требования к качеству воды.
17. UNICEF, World Health Organization. Progress on household drinking water, sanitation and hygiene 2000–2022: special focus on inequalities. New York: UNICEF; 2023.
18. Usmonov I.A. Iqlim o'zgarishi sharoitida O'zbekistonda suv ta'minotini optimallashtirish uchun moliyaviy oqimlarni baholash. 2025.

Қабул қилинган сана 20.02.2026